



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА  
ҮРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИФЕЛТИ



ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТИКА ВА  
ОММАВИЙ КОММУНИКАЦИЯЛАР  
УНИВЕРСИТЕТИ



ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТЛАРИ  
ИЖОДИЙ УЮШМАСИ



"ЎЗБЕКИСТОНДА ХОРИЖИЙ ТИЛЛАР"  
ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ ВА ИНТЕРНЕТ ПОРТАЛИ

## ПРЕСС РЕЛИЗ

**Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети**

**Босма ОАВ ва ноширлик иши факультети**

**"Ўзбек тили ва адабиёти" кафедраси. Электрон манзил: [www.conference.fedu.uz](http://www.conference.fedu.uz)**

“Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш” йили ва Ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилганлигининг 31 йиллиги муносабати ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850 “Ўзбек тилининг Давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Фармонида белгилан вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Журналистика ва оммавий коммуникациялар университети Босма ОАВ ва ноширлик иши факультети “Ўзбек тили ва адабиёти” кафедраси томонидан Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ҳамда “Ўзбекистонда хорижий тиллар” илмий-электрон журнал ва интернет портали ҳамкорлигига 2020 йил 16 декабрь куни “**Медиалингвистика: назарияси ва амалиёти**” мавзуисида ҳалқаро миқёсдаги илмий-амалий конференция ўтказилди. Профессор-ўқитувчилар, мустақил тадқиқотчилар, амалиётчи журналистлар, журналист-талабалар анжумандада кўтарилиган масалалар юзасидан маъруза қилдилар. Анжуманда медиалингвистиканинг долзарб масалалари, ОАВ матнларининг тили, услуби ва таҳрири соҳасида мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимлари, медиаматнларнинг таъсирчанлигини ошириш йўллари, ноширлик соҳасини ривожлантириш истиқболли йўналишларига оид янгиликлар, инновацион ғоялар ва технологиялар, ўзбек тилининг соҳада қўлланилиши, адабиётшунослик борасидаги масалалар журналистика ва филология соҳаларида олимлар, илмий тадқиқотчилар ва малакали амалиётчи-журналистлар томонидан муҳокама этилди.

Анжуманда хориж ва республикамиз олий ўқув юртларининг журналистика ва филология соҳаси олимлари ва мутахассислари, илмий тадқиқотчилар, магистрантлар ушбу муаммоларни илмий нуқтаи назардан ечишга харакат қилдилар. Анжуманда хориж ва республика ОАВ раҳбарлари ва етакчи журналистларининг иштирок этиши фан билан ишлаб чиқаришнинг интеграллашувини янада оширади.

Конференцияда қуйидаги илмий йўналишлар бўйича шўйбалар фаолият кўрсатди:

- ✓ Медиалингвистика назарияси ва амалиёти;
- ✓ Онлайн журналистика: тил, услуб муаммолари;
- ✓ Матбуот материаллари таҳлили ва таҳрири;
- ✓ Аудиовизуал журналистикада медиалингвистика масалалари;
- ✓ PR: маҳорат масалалари;

- ✓ Ўзбек тилининг соҳада қўлланилиши;
- ✓ Адабиётшунослик масалалари.

Мазкур илмий-амалий конференция бўлажак журналистларнинг билим, малака ва тажрибасини, журналистик меҳнат самарадорлигини оширишга хизмат қиласди.

Ушбу онлайн конференция ZOOM дастурида [www.conference.fledu.uz](http://www.conference.fledu.uz) платформасида ўтказилди.

Конференцияда иштирок этиш шакли: ялпи/йўналишлар бўйича видео маъruzалар; мухокамаларда иштирок.

Йўналишлар бўйича келиб тушган мақолалар матн ва видео кўринишда платформага жойлаштирилди.

Конференция материалларининг (матн, аудиовизуал шаклдаги) электрон базаси яратилди.